



Ishonch

Ижтимоий тарбия ва спорт ривожисиз тасаввур этиб бўлмайди.
Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори АНДИЖОН ШАҲРИДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБ-ИНТЕРНАТ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Баркамол авлодни тарбиялаш, қобилиятли ёшларни спортга фаол жалб этиш, миллий футболимизни янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ёш футболчиларни танлаб олиш ва уларда профессионал иштиёқ, маҳорат ҳамда кўникмаларни чуқур ривожлантиришни таъминлаш, шунингдек, улардан футбол бўйича мамлакат клублари ва терма жамоаларига ишончли захирани шакллантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Футбол федерациясининг Андижон шаҳрида «Шўрбулоқ спорт соғломлаштириш» масъулияти чекланган жамияти спорт мажмуаси негизда Халқ таълими вазирлиги ҳузурдаги футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернатни ташкил этиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

2. Белгиланган қўйилсинки: Андижон шаҳридаги футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернат қўйилган таълим олиши яқин атрофдаги умумтаълим мактабидан умумтаълим дастури бўйича амалга оширилади; футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг умумий контингенти 120 нафар ўқувчини ташкил этади, улар томонидан тўрт йиллик бошланғич таълим яқунланган ҳар йили танлов асосида 24 нафар қобилиятли ўқувчилар қабул қилинади; футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернатда ўқиш муддати 5 йилни ташкил этади, ўқиш якунланганидан сўнг уларга тегишли сертификат берилди ва авваломбор олимпия захираси коллежларида кейинги махсус, касб-ҳунар таълими берилиши таъминланади.

3. Қўйилган Андижон шаҳридаги футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг асосий вазифалари этиб белгилансин: зарур ҳолларда футбол бўйича хорижий мураббийлар ва мутахассисларни тақлиф қилган ҳолда футбол соҳасида энг янги илмий-методик тасвирлар асосида ёш футболчиларни тайёрлаш борасида ўқув-машқ жараёнларини юқори даражада ташкил этиш; ўқувчиларнинг назарий тайёргарлиги ва техник-тактик кўникмаларини такомиллаштириш, профессионал фаилатларини ривожлантириш, шунингдек, замонавий футболни ривожлантириш халқаро талабларига мувофиқ ҳолда Ўзбекистон ёшлар (Усмирлар) терма жамоаларини тайёрлаш даражасини ошириш; Халқаро футбол федерацияси тренерларини ўқитиш дастурларидан фойдаланган ҳолда футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернат тренерларини малакасини тизимли асосда оширишни таъминлаш; ўқувчи-футболчилар ва тренерлар таркибининг профессионал маҳоратини ошириш учун хорижий футбол мактаблари, академиялари ва клублари билан тажриба алмашиш бўйича ҳамкорликни кенгайтириш.

4. Белгилансинки, Андижон шаҳридаги футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернатини молиялаш қўйилган ҳисобидан амалга оширилади; Давлат бюджетидан маблағлари; Ўзбекистон Футбол федерацияси маблағлари; қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Андижон вилояти ҳокимлиги, «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк кўмитаси бир ой муддатда «Шўрбулоқ спорт соғломлаштириш» масъулияти чекланган жамияти спорт мажмуасининг ер майдони, бино ва иншоотлари, бошқа мол-мулк белгиланган тартибда футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернат балансига бепул берилишини таъминласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда: футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчиларини яшаш учун анжомлар, озиқ-овқат, шунингдек, спорт экипировкаси ва

формаси билан таъминлаш нормативларини; зарур бўлган ўқув-машқ, спорт ва ҳўжалик ускуналари, анжомлар, замонавий компьютер техникаси, техника ва транспорт воситалари, шунингдек, футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернат учун бошқа мол-мулклар рўйхатини тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон Футбол федерацияси ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан биргаликда: футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг устави, мактабнинг тузилмаси, ўқувчиларни танлаб олиш тартиби белгиланган тартибда тасдиқлашини, шунингдек, унинг давлат рўйхатидан ўтказилишини; 2010-2011 ўқув йили бошлангунга қадар — ёш футболчиларни тайёрлашнинг илғор халқаро тажрибасини ҳисобга оладиган ўқувчилар тайёрлаш дастури тасдиқлашини; футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг юқори малакали мутахассислар билан бутганишини, зарур ўқув-методик адабиётлар танлаб олинган ҳолда ўқув хоналари жиҳозлашини; футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчиларини тайёрлаш сифати устидан мунтазам мониторинг олиб борилишини, зарурат бўлганда уларни тайёрлаш жараёнига тегишли тузатишлар киритилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Футбол федерацияси: футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернатга тизимли асосда ташкилий ва ўқув-методик ёрдам, шунингдек, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашда кўмак берсин; 2010-2011 ўқув йили бошлангунга қадар ўз маблағлари ҳамда ҳўмийларнинг жалб этиладиган маблағлари ҳисобидан футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернатни белгиланган тартибда зарур ўқув-машқ ва спорт ускуналари, мебел ва анжомлар, замонавий компьютер техникаси, техника ва транспорт воситалари, шунингдек, бошқа мол-мулк билан жиҳозлашини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2010 йилнинг IV чора-да Халқаро футбол федерацияси тренерларини ўқитиш дастурларидан фойдаланган ҳолда футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернат тренерларини малакасини ошириш курслари ташкил этилишини, шунингдек, Федерациянинг кадр ва илмий-методик салоҳияти футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг ўқув-машқ жараёнига жалб этилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2010 йилги Давлат бюджетни параметрларига тегишли ўзгартиришлар киритсин, 2011 йилдан бошлаб эса Давлат бюджетни параметрларида ушбу қарорни амалга ошириш билан боғлиқ сарф-харажатларга таълим учун ажратиладиган маблағлар доирасида зарур маблағ ажратилишини назарда тutsин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2010-2015 йилларда Андижон вилояти турар-жой масивлари учун коммунал инфраструктурасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2010 йил 18 июндаги ПҚ-1355-сон қарорининг 9-банди, шунингдек, қарорга 1-иллованинг I бўлими 15-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Маъмур қарорининг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2010 йил 12 август



Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ва бошқа ҳамкор ташкилотлар лойиҳаси доирасида Нукус шаҳридаги «Кўнглик нури» маркази қошида янги қорхона ташкил этилди.
Бундан мақсад — ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалардаги хотин-қизлар учун иш ўринлари очиш, уларнинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши учун яқиндан кўмаклашишдан иборат. Қорхона замонавий тикув машиналари билан жиҳозланди. Ҳозир бу ерда 25 нафар хотин-қиз билан меҳнат шартномаси тузилди.
Суратда: тикувчи Несийбали Иброҳимова.
Арслон КАННАЗАРОВ (ЎЗА) олган сурат



Mustaqillik

Юрт равнақи, эл фаровонлиги йўлида камарбастамиз

Марказий кенгашнинг 2005-2010 йиллар мобайнида амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисоботи ёзма равишда тарқатилди ҳамда фильм шаклида намойиш этилди. Марказий кенгаш раиси Шавкат Одиловнинг 2010-2014 йиллар даврида қасаба уюшма фаолиятининг муаммолари, асосий йўналишлари ва вазифалари тўғрисидаги маърузаси тингланми, муҳокама қилинди.

— Қурултойни чақирибдан мақсад фақатгина ҳисобот бериш эмас, балки, биринчи навбатда, фаолиятимизга танқидий баҳолаш ва қасаба уюшма аъзолари томонидан билдирилган ишончли оқлаш йўллари излаб топишди, — деди Марказий кенгаш раиси Ш.Одилов ўз маърузасида. — Шунинг учун маърузада ҳали ечимини топмаган муаммолар, вазифалар ва қасаба уюшмаларнинг кейинги беш йиллик фаолиятидаги асосий йўналишларини баён этишни лозим деб топдик.

Қасаба уюшмаларининг келгуси йиллардаги фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил якули ва 2010 йилда Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги Президентимизнинг маърузасида қўйилган вазифаларни амалга ошириш билан ҳамкорлик қилиш, Аввало, ижтимоий ҳамкорларимиз — иш бериувчилар билан фаол ишлашимиз лозим. Юртбошимиз таъкидла-

Қурултойдан қурултойгача

ЎзКУФК ўқув марказида Ўзбекистон Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари қасаба уюшмаларининг IV Қурултойи бўлиб ўтди. Унда ЎзКУФК раиси ўринбосари Н.Аллаёров, тармоқнинг хорижий ҳамкорлари ҳамда Ўзбекистон Қаҳрамонлари Сайдали Раҳмонов, Олим Тўйчиев иштирок этди.

Қасаба уюшма маблағларидан 35 та янги иш ўрни барпо этилди.

Жамоа шартномаси аъзолар манфаати учун хизмат қилади

Меҳнатқашларнинг меҳнат-га оид, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий манфаатлари ҳимояси бoш локал-мезърий ҳужжат — жамоа шартномалари орқали амалга оширилмоқда.

Ўтган даврда аъзоларни жамоа шартномасини муносабатлар билан қамраб олиш 2005 йилдаги 97,8 фоиздан 2010 йилга келиб 98,9 фоизга кўпайди. Ҳисобот даврида қасаба уюшма жамоа шартномаларида ифодаланган мақсадларига эришди. Хусусан, тармоқ келишувлари ва жамоа шартномалари аҳамиятини ошира бoриб, меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва меҳнатга оид манфаатларини ҳимоялаш; қонун кўчига таъйин, Марказий кенгашнинг ижтимоий шериклари бўлган уюшмалар, асосий вазифалар билан ҳамкорликда иш ҳақидан бўлган қарорлиқ даражасини қисқартириш ва ойлик маошларини кўтаришга таъсир кўрсатиш; ходимларни қасаба уюшма аъзолигига жалб этиш даражасини ошириш; асосий қарорлар негизини сақлаб қолиш; жаҳон қасаба уюшма ҳаракати тажрибасидан келиб чиқиб, тизимли такомиллаштириш каби асосий вазифаларни уddалай олди.

(Қурултой ҳақидаги материаллар газетанинг 2-бетида берилмоқда).

Ижтимоий шерикчилик мезони

Аввал хабар берганимиздек, ЎзКУФК ўқув марказида Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгашининг IV-Қурултойи бўлиб ўтди. Унда тармоқ ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Носирхон Акбаровнинг 2005 йил мартдан 2010 йил августигача бўлган даврдаги ҳисоботи ҳамда қасаба уюшма ташкилотлари олдидан турган вазифалар тўғрисидаги маърузаси тингланди.

Шундан сўнг тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тингланди. Маъруза юзасидан бўлган музокара-ларда Наманган вилоят таълим ва фан ходимлари қасаба уюшма кенгаши раиси Роза Дехқонова, Халқ таълими вазирининг ўринбосари Абдуғани Холбеков, Янгийўл шаҳар 10-умумтаълим мактаби қасаба уюшма кўмитаси раиси Юлия Хайдарова, Қарши давлат университети талабаси, Зулфия номдаги давлат мукофоти совриндори Нилуфар Аббосқонова, Нукус шаҳар бирлашган қасаба уюшма кўмитаси раиси Улзада Аюезмуратова, Тошкент молия институти қасаба уюшма кўмитаси раиси, профессор Зокир Йўлдошев, Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Улукбек Тошкенов сўзга чиқиб, Марказий кенгашнинг фаолиятини ижобий баҳолашди.

Қурултойда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг кенгаши раиси Дилбар Жаҳонгирова қатнашиб, делегатлар эътиборини буғунги кунда қасаба уюшмалари олдидан турган вазифаларга қаратди.

Тармоқ Марказий кенгаши ва тафтиш комиссиясининг янги таркиби тасдиқланди, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Носирхон Акбаров ўз вазифасига қайта сайланди.

Амина ҚОДИРОВА, «Ishonch» мухбири

Мўл ҳосил гарови

Юртимизда фермерларга яратиб берилаётган имкониятлар туфайли ҳосилдорлик ортиб бормоқда. Жорий йилда 22 гектар бугдойзордан мўл ҳосил йиғиштирдик. Гектаридан 70 центнер галла олинди.



Ҳозир бор имкониятимизни қишлоқ ҳўжалигининг етакчи тармоғи — пахтачиликдан юқори самара олишга қаратганмиз. Деҳқонлар таъбири билан айтганда, август — ҳосилга ҳосил қўшиш

ойи. Намлик мезърида бўлса, озуқа, ишлов режими тўғри ташкил этилса, мўл ҳосил учун замин яратилади. Шу ойда ўтказилган сифатли култивация тупроқ намлигини сақлайди, қатор оралари қуриб, ёрилиб кетишининг олдини олади.

Ҳўжалигимизнинг кўп йиллик тажрибага эга техника жилвдорлари Отaxon Нурматов жўяклар тупроғини юмшатиб, ривожланишдан орқада қолган экин майдонларига қўшимча ишлов берапти.

Механизатор ишининг самараси

сувчилар фаолияти билан ҳамбарчас боғлиқ. Зеро, эгатларнинг тўғри олиниши, барча дала майдонларининг бир вақтда тобга келиши култивациянинг ҳам сифатли бўлишида кўл келади. Шу боис фўзаларни сўғоришга Обод Машарипов, Ғайрат Рўзиев, Икром Каримов, Дадаҳон Машарипов каби тажрибали сувчилар жалб этилган. Ғўзани тунги пайтларда шарбат усулида, жилдиратиб сўғоришга айна кунларда ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эътибор берилмоқда.

Жорий йилда ғўзани самарали

усулда озиклантиришга ҳаракат қилдик. Усимлик барги орқали суспензия эритмаси билан уч марта озиклантирилди. Унинг ривож ва жадал ҳосил тўлашини таъминлаш мақсадида сожиян препарати билан икки марта ишлов берилди.

Ниятимиз эса улкан хирмонимиз билан юрт равнақиға муносиб ҳисса қўшишдир.

Комил МАШАРИПОВ, Боғот туманидаги «Элобод» фермер ҳўжалиги раҳбари

Иқтисодий инсон фаолиятининг асосий жиҳати, жамият ҳаётининг пой-деворидир. Унинг вазифалари барча мамлакатлар учун бир хил, аммо ривожланиш давомида турлича натижага эришилади. Мустабид тузум даврида Ўзбекистон иқтисодий умумиттифоқ меҳнат тақсимида ҳам ашё етказиб беришга ихтисослашган эди. 1990 йили СССР пахта толасининг 62,4 фоизи Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келар, етиштирилган пахтанинг 7 фоизигина юртимизда қайта ишланарди. Пахта-таммиздан олинган газмол ва тикувчилик маҳсулотларини четдан келтиришга мажбур эдик.

Ўзбекистон ресурсларга бой мамлакат бўла туриб, иқтисодий тараққиётда Шарқнинг кўпгина давлатларидан ортада қолиб кетди. 1990 йилги миллий даромадда саноатнинг ҳиссаси 25,7 фоиз, қишлоқ хўжалигиники 44,2 фоиз, қурилишники 14,1 фоиз, транспорт ва алоқа соҳалариники 4,7 фоиз, бошқа моддий ишлаб чиқариш тармоқлариники 11,1 фоиз эди.

1990 йили СССР миллий даромадида қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг улуши 24,9 фоиз бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 44,2 фоизни ташкил қиларди. Қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар сон эса мос равишда 18,2 ва 39,3 фоизга тенг эди. Мазкур тармоқ маҳсулотлари Ўзбекистонда экспортнинг 80 фоизини ташкил этган.

Статистик маълумотларга қараганда, 1990 йили Ўзбекистонга 454,8 минг тонна ун, 183,9 минг тонна картошка, 1 млн. 401 минг тонна сут-қатик кабиларни қўшни республикалардан олиб келишга мажбур бўлинган.

Давлат мустақиллиги қўлга киритилиши билан Ўзбекистон учун ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш йўли танлаб олинди. Президентимизнинг «Иқтисодий фақат унга хос бўлган ички қонуниятлар асосида ривожланиши даркор. Бизнинг вазифамиз уларни яхши тушуниб етишдан ва ўз халқимиз манфаатлари йўлида моҳирона қўллашдан иборатдир» деган фикрларига асосланб ислохотлар жараёнига киришдик.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш Президентимиз асослаб берган беш тамойил негизда ишлаб чиқилган дастурлар асосида амалга оширилмоқда. Бу тамойиллардан бири иқтисодийдаги туб ўзгаришларни амалга оширишда давлатнинг бош ислохотчи вазифасини бажаришидир.

Россия, Украина, Беларус, Қозғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Молдавага экспорт қилинмоқда.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2000-2009 йилларда ўртача 8-10 фоиз ўсди.

Саноат ишлаб чиқариши таркибида ёқилғи-энергетика ва металлургия тармоғи улушининг ортиб бораётганлиги кузатишмоқда. Усиш суратларининг тезлашиши машина-асозлик мажмуи улушининг 2009 йилда 1991 йилга нисбатан 11,1 фоиздан 16,2 фоизгача кўпайишига асос бўлди.

Озиқ-овқат саноати улуши 2009 йилда 1991 йилга нисбатан 10,6 фоиздан 11,2 фоизгача кўпайган, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш 4,1 фоиздан 4,7 фоизгача ошган. Саноатнинг бошқа тармоқ-

ларини 105 фоизга ошириш, иқтисодийта инвестиция қилиниш ҳажми янги ички маҳсулотга нисбатан 30 фоизга етказиш кўзда тутилган.

Бу зона мамлакатимизга хорижий инвестицияларни янада кўпроқ жалб этиш имконини беради.

Ўзбекистондаги иқтисодий ўзгариш ва устувор тармоқларнинг ривожланиши мазкур соҳаларга йўналтирилган капитал қўйилмалар миқдорига бевосита боғлиқдир. Асосий капитални ўстиришга сарфланаётган инвестициялар кейинги йилларда, айниқса, 2005-2009 йилларда анча ошди. Масалан, бу кўрсаткич 1999 йилда 1998 йилга нисбатан 2 фоизга, 2005 йилда 2004 йилга нисбатан 7 фоизга, 2009 йилда 2008 йилга нисбатан 24,8 фоизга ўсган. Капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажмида хорижий инвестициялар ва тўғридан-тўғри кредитларнинг улуши 1994

Рақамлар тилга кирганда

индуриал-иқтисодий зона (ЭИИЗ) ташкил этишга киришилди. Унинг фаолият мuddати ҳозирча 30 йил қилиб белгиланган, кейинчалик яна узайтирилиши мумкин. Бу зона мамлакатимизга хорижий инвестицияларни янада кўпроқ жалб этиш имконини беради.

Ўзбекистондаги иқтисодий ўзгариш ва устувор тармоқларнинг ривожланиши мазкур соҳаларга йўналтирилган капитал қўйилмалар миқдорига бевосита боғлиқдир. Асосий капитални ўстиришга сарфланаётган инвестициялар кейинги йилларда, айниқса, 2005-2009 йилларда анча ошди. Масалан, бу кўрсаткич 1999 йилда 1998 йилга нисбатан 2 фоизга, 2005 йилда 2004 йилга нисбатан 7 фоизга, 2009 йилда 2008 йилга нисбатан 24,8 фоизга ўсган. Капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажмида хорижий инвестициялар ва тўғридан-тўғри кредитларнинг улуши 1994

ларини 105 фоизга ошириш, иқтисодийта инвестиция қилиниш ҳажми янги ички маҳсулотга нисбатан 30 фоизга етказиш кўзда тутилган.

Бу зона мамлакатимизга хорижий инвестицияларни янада кўпроқ жалб этиш имконини беради.

Ўзбекистондаги иқтисодий ўзгариш ва устувор тармоқларнинг ривожланиши мазкур соҳаларга йўналтирилган капитал қўйилмалар миқдорига бевосита боғлиқдир. Асосий капитални ўстиришга сарфланаётган инвестициялар кейинги йилларда, айниқса, 2005-2009 йилларда анча ошди. Масалан, бу кўрсаткич 1999 йилда 1998 йилга нисбатан 2 фоизга, 2005 йилда 2004 йилга нисбатан 7 фоизга, 2009 йилда 2008 йилга нисбатан 24,8 фоизга ўсган. Капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажмида хорижий инвестициялар ва тўғридан-тўғри кредитларнинг улуши 1994

ийли» Давлат дастури қабул қилинди. Дастурда белгиланган комплекс чора-тадбирларни бажариш учун 1,8 трлн. сўм давлат маблағлари, тижорат банклари 3,3 трлн. сўмлик кредитлари ва масъул ишроқчиларнинг 2,7 трлн. сўмдан ортиқ маблағларини йўналтириш мўлжалланган.

2010 йилда давлат бюджетига соғлиқни сақлаш соҳаси харажатлари 1 трлн. 700 млрд. сўмдан зиёд қилиб белгиланган, бу 2009 йилдагига нисбатан 30 фоиз кўпдир.

Мамлакатимизда ёш авлодни касбга ўргатишда ўрта махсус касбухона таълими тизими муҳим аҳамият касб этади. 2009 йилда иқтисодий тармоқларнинг кичик мутахассислар билан таъминланиш ҳолати ўрганилиб, ҳудудлар бўйича муайян мутахассисликларга бўлган эҳтиёж қондирилгани ва янги мутахассисликларга талаб мавжудлигини инобатга олган ҳолда 159 та коллежда 86 та мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди, 34 та коллеждаги ихтисослик ўзгартирилди.

Таъкидлаш кераки, ўрта махсус, касб-хуна таълими тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргина 2009 йилда коллежлар ва лицейларда 533,4 млрд. сўмлик инвестиция ўзлаштирилди. Шундан 467,7 млрд. сўми янги қурилишларга, 65,7 млрд. сўми эса таъмирлаш ишларига сарфланди.

2009 йилда давлат бюджетига таълим соҳасига 182 та лицей ва коллеж, 697 та мактабда қурилиш ишлари тўлиқ якунланди. Бундан ташқари, маҳаллий бюджет ва ҳомийлар ҳисобидан 1,5 мингта яқин мактаб ва мактабгача таълим муассасаси, 246 та шифохона ва врачлик пункти, 84 та спорт объекти тўлиқ таъмирланди.

Баркамол авлодни тарбиялашда таълим соҳасида олиб борилаётган эзгу ишларнинг аҳамияти беқиёс. Қаерда таълим, илм-фан, техника каби соҳалар ривожига эътибор берил-

са, ўша ерда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт бўлади. Шу боис мамлакатимизда таълимга сарфланаётган маблағ йилдан-йилга ортиб бормоқда. Таълим учун давлат харажатлари 1997 йилда янги ички маҳсулотнинг 7,9 фоизини, 2005-2009 йилларда ўртача 14 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистон эришган барча ютуқлар иқтисодий инслоҳ қилишининг ўзбек модели тўғрилигини кўрсатади. Бундан ташқари сиёсатчилари ҳам эътироз этмоқда, халқаро ҳамжамиятнинг юртимизга қизиқиши ортмоқда. 2010 йил 12 апрел куни Тошкентда жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози оқибатлари салбий таъсирининг олдини олиш ва иқтисодийта жадал ислоҳ қилиш бора-сидаги мамлакатимиз тажрибасини ўрганишга бағишланган «Инкирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инкироздан қайтаришда ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 46 мамлакатидан 400 дан ортиқ давлат ва жамоат арбоблари, бизнесмен ҳамда экспертлар, БМТ ва унинг тарихий кирувчи тузилмалар, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки каби жаҳонда Ислол тараққиёт банки каби йирик халқаро ташкилотлар ва молия институтлари вакиллари иштирок этди.

Ана шундай йирик анжуманлардан яна бири — Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик йиғилиши 2010 йил 1-4 май кунлари бўлиб ўтди. Унда ушбу нуфузли халқаро ташкилотнинг 3000 нафардан ортиқ вакил ва меҳмонлари қатнашди. Мазкур анжуманнинг «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида 3 май куни бўлиб ўтган очилиш маросимида Ўзбекистон Президенти Ислол Каримов нутқ сузлади.

Давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган берилган машҳур беш тамойилга асосланган, жаҳонда ривожланишнинг ўзбек модели деб эътироф этилган ислохотларнинг изчил ва босқичма-босқич амалга оширилиши, инкирозга қарши пухта ўйланган чораларнинг ўз вақтида қабул қилинганлиги туфайли мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик ҳамда иқтисодий ўсиш таъминланганини ўрганиш гоят муҳимлигини йиғилиш қатнашчилари ўз чиқишларида алоҳида таъкидлашди.

Турғун Зияев,
ТошДУ фахрий
доктори
Ҳайт МУҲИДДИНОВ,
Тошкент Иқтисодий коллежи
директори,
Шоира ИСРОИЛОВА,
ТошДУ доценти

Ўзбекистоннинг зафарли одимлари


лари улушини 6,5 фоиз миқдоридан сақлаб қолинди.

Таъкидлаш лозимки, миллий иқтисодий ривожланиши, аҳоли турмуш даражаси ва бандлигини оширишда қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда саноат муҳим аҳамиятга эгадир.

Таҳлиллар шунини кўрсатадики, саноат тармоқларида 2001-2009 йилларда ўсиш иқтисодийнинг умумий ривожланиш суръатларидан тазорқ бўлган. 2001 йилда мамлакат иқтисодийнинг умумий ривожланиши (таққослама нархларда) суръати (ЯИМ) 104,2 фоиз бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2009 йилга келиб 167 фоизни ташкил этган. Шу даврда саноат ишлаб чиқариши 107,6 фоиздан 197,2 фоизгача ўсган.

Ўзбекистондаги иқтисодий ўзгариш ва устувор тармоқларнинг ривожланиши мазкур соҳаларга йўналтирилган капитал қўйилмалар миқдорига бевосита боғлиқдир. Асосий капитални ўстиришга сарфланаётган инвестициялар кейинги йилларда, айниқса, 2005-2009 йилларда анча ошди. Масалан, бу кўрсаткич 1999 йилда 1998 йилга нисбатан 2 фоизга, 2005 йилда 2004 йилга нисбатан 7 фоизга, 2009 йилда 2008 йилга нисбатан 24,8 фоизга ўсган. Капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажмида хорижий инвестициялар ва тўғридан-тўғри кредитларнинг улуши 1994

йилдаги 6,6 фоиздан 1999 йилда 17,7 фоизга өтди, 2008 йилда 25,8 фоизни, 2009 йилда эса 27,9 фоизни ташкил этди.



Инвестициялар иқтисодийнинг ривожланиши асосий омилларидан ҳисобланади. Юртимизда кейинги йилларда инвестиция жараёнининг фаоллашуви кузатилади. 2009 йилда барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан асосий капиталга инвестициялар ҳажми 12 трлн. 531 млрд. 900 млн. сўмин ташкил этди ва 2008 йилга нисбатан 24,8 фоиз юқори бўлди. ЯИМда инвестициялар улуши 26,1 фоизни ташкил этди, 2010 йилда эса 30,3 фоиз бўлиши кутилмоқда.

Инвестиция соҳасида шакланган ижобий динамика иқтисодийнинг ўсишига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Натижада мамлакатимизда 1996 йилдан бошлаб иқтисодий ўсиш таъминланиб, унинг суръатлари 2001-2003 йилларда ўртача 4 фоиз, 2004-2006 йилларда 7 фоиз, 2007 йилдан буён ўртача 8 фоизга тенг бўлиб келмоқда.

Инвестициялар иқтисодийнинг ривожланиши асосий омилларидан ҳисобланади. Юртимизда кейинги йилларда инвестиция жараёнининг фаоллашуви кузатилади. 2009 йилда барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан асосий капиталга инвестициялар ҳажми 12 трлн. 531 млрд. 900 млн. сўмин ташкил этди ва 2008 йилга нисбатан 24,8 фоиз юқори бўлди. ЯИМда инвестициялар улуши 26,1 фоизни ташкил этди, 2010 йилда эса 30,3 фоиз бўлиши кутилмоқда.

Инвестиция соҳасида шакланган ижобий динамика иқтисодийнинг ўсишига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Натижада мамлакатимизда 1996 йилдан бошлаб иқтисодий ўсиш таъминланиб, унинг суръатлари 2001-2003 йилларда ўртача 4 фоиз, 2004-2006 йилларда 7 фоиз, 2007 йилдан буён ўртача 8 фоизга тенг бўлиб келмоқда.

Мамлакатимизнинг тарихан қисқа даврда қадар салмоқли ютуқларни қўлга киритишининг асосий сабабларидан бири иқтисодий сиёсатнинг тўғри танланганлиги ва изчил амалга оширилганлигидир.

Ислохотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инкирозга қарши чоралар дастурини суэзис бажариши ва шу асосда иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини, самарадорлигини ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш — 2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим мақсади сифатида белгилаб берилди.

2010 йилда янги ички маҳсулот ва саноат маҳсулотларини 108,3 фоизга, қишлоқ хўжалик маҳсулот-

ри ҳажмининг ўсишини уларнинг молиявий муассасалардаги омонатлари миқдорининг ошиши ҳам кузатиш мумкин. Маълумотларга қўра, аҳолининг кредит ташкилотларидаги омонатлари қолдиги 2009 йил давомида 1 трлн. 190 млрд. 400 млн. сўмга ёки 69,1 фоизга ошиб, 2010 йилнинг 1 январидан 2 трлн. 914 млрд. 200 млн. сўмини ташкил этди.

2009 йилда Инкирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилган тадбирлар самарадорлиги ҳақида гапирганда, уларнинг аввало энг муҳим масалалар — янги иш ўринларини яратиш ва аҳолининг турмуш даражасини янада оширишга йўналтирилганини таъкидлаш лозим.

Мамлакатимизда 2009 йилда 940 миңдан зиёд иш ўрни яратилди, уларнинг 500 миңга яқини қишлоқларда ташкил этилди. Жаҳонда рўй бераётган молиявий-иқтисодий инкироз таъсирида дунё бўйича 56 млн. кишидан ортиқ ишсизлар армияси вужудга келган бир шароитда бу ёмон натижа эмас. 2010 йилда мамлакатимизда яна 950 миңдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этиш мўлжалланмоқда. Уларнинг қарий ярми кичик корхоналар, микрофирмалар, яқна тартибдаги тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳисобидан яратилади. 2010 йилнинг биринчи ярмида 509 миңдан ортиқ иш ўрни ташкил этилди.

2010 йилда эътибор қаратилиши лозим бўлган вазифаларни ўзда мужассам этган «Баркамол авлод



Сурхоннинг лалми боғлари

Президентимиз раҳнамолигида фермерлик ҳаракатининг кенг қулоч ёзиб, одамларда ерга, мулкка муносабат тубдан ўзгаргани, фермерларга яратилган кенг имкониятлар убадти янада изланувчанликка, омилкорликка ундамоқда. Лалми ерларда мевали боғлар яратилиб, мўл ҳосил олинаётгани ҳам ана шундай эътибор ва ғамхўрлик самарасидир.

Сариосиё туманидаги «Боғу-Бўстон» фермер хўжалиги раҳбари Носирхон

Тўракулов Сурхондарё вилоятининг тоғ этакларидаги лалми ерларда мевали боғ барпо этиш бўйича катта тажрибага эга. Утган йилларда унинг ташаббуси билан Сариосиё туманидаги Ҳисор тоғ тизмалари ёнбағрида 320 гектардан ортиқ майдонда лалми боғ ташкил этилди. Олма, ёнғок, бодом, анор, узум каби меваларнинг сувсизликка чидамли навларини еттиштириш йўлга қўйилди. Худуддаги Зарчоб, Тоқчи қишлоқлари, Ҳасанхон, Қизил мас-

сивларидаги лалми ерлар мевали дарахлар билан қўрам, обод масканларга айланди. Тажрибали миришкор яратган боғларда бугун юзлаб кишилар меҳнат қилиб, яхшигина даромад олмақда.

Суратда: Сариосиё туманидаги «Боғу-Бўстон» фермер хўжалиги раҳбари Носирхон Тўракулов.

Фарход АБДУРАСУЛОВ (УЗА) олган сурат.

Ногаҳон икки қўшни тортишиб қолди. 70 ёшлар чама-сидаги Ҳаким ота зўр бериб шеригига гап уқтирарди.
— Шу ишни чақоқ қилдингиз-да, Қодирвой. Она сунти озгидан кетмаган ўғлингизга палон пулга машина олиб бериб. Маҳаллада тинчлик бўлмади қолди. Кўча чангитиб у ёққа ўтади, бу ёққа зингиллатади. Бирор фалокатни бошламаса гўрга эди.

Бутун умрини юртма-юрт кезиб ўтказган Қодир чойфуруш даханг хўроздек чиришиб, Ҳаким отага ўшқирди.
— Чап кўзинг ўнг кўзингнинг ўяди дегани шу экан-да, оксоқол. Кўролмаясизми?.. Олиб берган бўлсам, бировнинг пулига келибдими бу машина. Жа индамаган сари... Қўлингиздан келса, сиз ҳам болаларингизга олиб бering.

— Худого шукур, чўнтагим кўтарарди. Бирок ўғилларимнинг менга қараб қолган жойи йўқ...
Уттиз йиллик қўшнилари гаплари бир-бирларига тўғри келмай, қўл силтаб кетишди.
Атрофдаги маҳалладошлар ҳам баҳслаша-баҳслаша тарқалишди. Қизиги шундаки, уларнинг айримлари Ҳаким ота тарафидан бўлишса, баъзилари Қодир чойфурушни алқашарди.
— Нима, фарзанди учун

қилибди-да, шунга шунча машина шартми?..
Яқинда узоқ йиллар пойтахт-

Узиям роса таъзирини еди. Уларга бунчалик боқимандалик балоси қайдан ёпишяпти, ҳайронман...
Яқин дўстим ўғлини уйлантирмоқчи бўлди. Эр-хотин роса тўйхона излашди. Уларга ёққани «куёв бола»га ёқмас-

қилишди. Шу онахоннинг эрта саҳарда «Кўкча» бозоридан бидонлаб сут олиб келиб, қатик ивйтиб сотганини бутун маҳалладагилар яхши билишарди.
Катта ўғил мактабни битирди. Ҳарбий хизматни тугатиб келгач, яхши бир устага шоғирд тушди. Ишлари юришиб,

Ягона ҳақиқат

тимиздаги корхоналардан бирида ишлаб, яхшигина обрў орттирган танишимни қўриб қолдим. Ҳол-аҳволдан сўнг ўзи ёрилиб қолди.
— Ёшларга ҳам ҳайронсан. Катта ўғлим бироз тотиниб келибди. Қайф устида: «Дада, менга қачон участка солиб, машина олиб берасиз», — дейди денг. Кетмон даста билан: «Мана сенга участка-ю, машина», — деб солиб қолдим.

миш. Биттасининг шифтини паст деса, бошқасининг кирариши тор эмиш. Мана сизга эрка ўғилнинг ота-онага кўрсатган қаромати.
Лекин ота-онаси қанотига кириб, уларга ҳар томонлама эш бўлаётган фарзандлар ҳам йўқ эмас.
Мен шундай оилалардан бирини биламан. Ота ногирон, онанинг меҳнати билан қўл учидан кун қўриб, уч ўғилни катта

қасини ҳам ёнига тортиди. Ака-ука катта уста бўлиб кетишди. Эшиқларидан миҳоз аримасди. Қўша-қўша иморат қуришди. Кичик ўғил илм йўлидан кетди. Ҳозирда фан доктори. Уч ўғил бола-чақали, она дуо-си билан ширин ҳаёт кечиринишяпти. Афсуски, буни оталари кўролмади.
«Қобунома»да шундай ёйлади:

Нуктаи назар

«Эй фарзанд, билгинким, ақл юзасидан фарзандга ота-онани иззат ва ҳурмат қилиш вожибдир, нединким унинг асли ота ва онадир. Ота ва онани нима учун ҳурмат қилурман деб қўнглинга келтирмиш, билгинки, улар сен учун ўлимга ҳам тайёр турадилар». Баъзи манбаларда ёзилишича, ота-онанинг фарзандга нисбатан саксонга ҳаққи бор экан. Шуллардан қирқтаси тириклик вақтида, яна қирқтаси вафот этгандан кейин бажариладиган амаллардир.
Ота-онага таянч ва суянчиқ бўлиш, дилдан севиш, эъзозлаш, меҳр-муҳаббат билан муносабатда бўлиш, уларни ғанимат билиш, шубҳасиз, фарзандлардаги энг улғу ва муқаддас туйғудир.
Шундай қилиб, фикримизга ҳулоса ясаसाқ ҳам бўлади. Демак ҳақиқат битта: ота-она озида ўз фарзандлик бурчимизни дилдан ўташ. Тескариси бўлган тақдирда фарзанд ўзига гуноҳ ортиради ҳолос.

Неъмат РАФИҚОВ, журналист

Ёз — 2010

Сўлим гўшаларда

Бухоро шахрининг сўлим гўшаларидан бирида «Нефтчи» болаларни соғломлаштириш оромгоҳи жойлашган. Атрофда жазирама давом этаётган паллада мазкур масканда соя-салқин, ариқларда зилол сув оқади. Ҳовузда бир неча бола маза қилиб чўмилётган бўлса, бошқа гуруҳдаги яна қанчаси спорт, рақсга тушиш, тўғарак машгулотлари билан банд. Хуллас, бу ерда ҳордиқ чиқараётган 250 нафар ўғил-қизнинг зерикшига ўрин йўқ.

— Ҳомийимиз Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи раҳбарияти ва касоба уюшма қўмитаси болаларнинг ёзги таътилда мириқиб дам олиши учун имкониятлар доирасини йил сайин кенгайтирмоқда, — дейди оромгоҳ бошлиғи Файзулло Қудратов. — Жорий йил ёзида 4 босқичда минг нафардан ортиқ ўғил-қиз ҳордиқ чиқаришади. Заводимиз ишчи-хизматчилари фарзандлари қаторида кам таъминланган оилалар, Меҳрибонлик уйлари болалари ҳам дам олишмоқда.

Оромгоҳда ўндан ортиқ тўғарак мунтазам ишлаб турибди. 8 минг нусага яқин қизилқоғди эга кутубхона ҳамма гавжум. Депутат, ёзувчи ва шоирлар билан ўтказилаётган учрашув, қизиқарли мавзудаги суҳбатлар, қўрик-танловлар, оромгоҳлараро спорт мусобақалари, тарихий обидаларга саёҳатлар болаларда катта таассурот қолдирмоқда.

Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича республика доимий комиссияси томонидан «Нефтчи» фаолияти юқори баҳоланди. Усиб келаётган ёш авлод онгиди фидокорлик, ўз юртига садоқат, она Ватанини эъзозлаш туйғуларини камол топтириш ҳамда соғлом, жисмонан бақувват қилиб тарбиялашда эришган ютуқлари учун махсус диплом билан тақдирланди.

Жорий йилда вилоятда болаларни ёзги соғломлаштиришга эътибор янада оширилди. 18 та шаҳар оромгоҳларида 6200 нафар, мактабдоли оромгоҳларида 12300 нафар ўғил-қизнинг кўнглили ҳордиқ чиқаришини таъминлаш учун бошланган сай-ҳаракатлар режалари асосда давом эттирилмоқда.

«Ёш алоқачи», «Мовий гулхан», «Ёш пахтакор» оромгоҳлари ибратли фаолият кўрсатиб келяпти. Когон шахридаги 8-, Вобкент туманидаги 6-, 10-, Жондор туманидаги 5-, Бухоро шаҳридаги 30-мактаб-интернат, Бухоро шаҳридаги 23-махсус мактаб-интернатларнинг мактабдоли соғломлаштириш оромгоҳлари ҳам намунали тажрибаси билан барчага манзур бўлмоқда.

Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири



Muassis:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:

Abdusolliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:

Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV

(Bosh muharrir o'rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV

(Mas'ul kotib), Ma'mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat AIYOROV, Nosirxon AKBAROV, Oysuluv NAFASOVA, Pirimqul QODIROV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONBOYEV

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti

256-87-63

Huquq va xalqaro hayot

256-03-90

Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat

256-87-74

Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport

256-82-79

Xatir va muxbirlar bilan ishlash

256-85-43

Reklama va e'lonlar

256-87-73

Manzillim:

100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasini, 24-uy

E-mail: mail@ishonch.uz

Nashr ko'rsatkichi:

133

Navbatchi muharrir:

A. Qodirova

Navbatchi:

N. Maxamov

Musahhih:

S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Sahifalovchi: H. Abdullajlov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi.

Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasini, 41-uy.

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan to'xtatib olingan.

Gazeta o'zbek tilida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlar manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilib shart.

Muallif fikri ta'biriyat nuqtai nazaridan farg'lanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Bosishga topshirish vaqti: - 21.00

Topshirildi: - 20.20

Byurotma G — 751

11568 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

1 2 3 5

Сингапур — 2010

Бугун Сингапурда ўсмирлар ўртасида I Ёзги Олимпия ўйинларига старт берилади. Маълумки, Халқаро Олимпия қўмитаси ташаббуси билан илк марта ташкил этилаётган ушбу нуфузли спорт анжуманида жаҳоннинг 205 давлатидан ташриф буюрган 3500 нафар энг юртдошли ва энг кучли спортчи ўттиз бир тур бўйича 184 та медал учун баҳс олиб боради.



Омад сизга, олимпиадада иштирокчилари!

Ғолиблик учун баҳсларда йигирма бир нафар ўзбекистонлик спортчи қатнашади. Улар орасида Осиев ва жаҳон чемпионлари, йирик халқаро турнир ғолиб ва совриндорлари ҳам бор.
Эътиборли томони, ўсмирлар ўртасидаги I ёзги Олимпия ўйинларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя этишга чоғланган спортчилар мамлакатимизнинг ўнга яқин вилоятларида маҳорат мактабини ўтаган бўлиб, бу эса кейинги йилларда болалар спортини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарасидир.

Масалан, Руслан Комилов айни пайтда Самарқанд Олимпия заҳиралари коллежининг юнон-рум кураши бўлими талабаси. Етти йилдики, юнон-рум кураши билан мунтазам шуғулланиб келади. Утган давр мобайнида бир неча бор Ўзбекистон чемпионлиги ва турли халқаро турнирларда шохсупанинг юқори поғоналарини банд этиб келяпти.
Умид қиламизки, спортчиларимиз мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллигини катта-катта галабалар билан муносиб кутиб олишади.

Нарзулла МАХАМОВ, «Ishonch» мухбири

«РОУТАХТ АУКСИОН» ДУК 2010 йил 16 сентябр куни аукцион савдоларини ўтказди

Аукцион савдоларига Тошкент шаҳар Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-ўйда жойлашган «Olimmatl qog'ozlar bozori faoliyatini muvofiqlashtirish va nazorat qilish markazining Toshkent shahar boshqarmasi» tасarrufidagi 1997й. и/ч д/р 10AG363, бошланғич нархи 5 510 000 сўм бўлган ва Тошкент шаҳар Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 6-ўйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар прокуратураси тасarrufidagi 1999й. и/ч, д/р 01714BAА, бошланғич нархи 4 668 500 сўм бўлган иккита «Нексия»; Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 7-«В»-ўйда жойлашган Микробиология институти тасarrufidagi 1986 й.и/ч, д/р 10AX869, бошланғич нархи 923 669 сўм бўлган «УАЗ-3151201»; 1986 й.и/ч, д/р 10AZ757, бошланғич нархи 1 215 053 сўм бўлган «ГАЗ-5204»; 1988 й.и/ч, д/р 10AX384, бошланғич нархи 1 083 542 сўм бўлган «ГАЗ-2410»; русумли автотранспорт воситалари, Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, Неъмат кўчасида яқка тартибда ўй-жой қуриш учун мўлжалланган, ҳар бирининг сатхи 0,03 гадан, бошланғич нархи 7 920 000 сўмдан бўлган ўн та ер участкаларининг мерос қилиб қолдирилган уй-бод эгаллик қилиш ҳуқуқи қўйилди. Ер участкаларини савдога тайёрлаш билан боғлиқ муҳандислик-геодезия ва лойиҳа ишларини бажаришга сарфланган харажатлар бошланғич нархларга қўшилган ва харажатлар харидорлар томонидан қопланади.

Аукцион савдолари соат 11:00да бошланади. Буортма қабул қилиш автотранспорт воситаларига савдо кундан бир кун аввал, ер майдонларига савдо кундан уч кун аввал соат 18:00да тўхтатилади.
Савдоларда қатнашиш учун автотранспорт воситаларининг бошланғич нархидан камиди 20 фоизи миқдорда, ер майдонларининг бошланғич нархидан 10 фоизи миқдорда зақалат пули «РОУТАХТ АУКСИОН»-ДУКчи АТИБ «Ипотека-банк»нинг Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 2021000004243151002 ҳисоб рақамига тўланади.

Автотранспорт воситаси савдолари ғолибига савдо кундан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-соти шартномасини имзолаш, тўланган зақалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда еттишмаётган суммани шартнома тасулуғига қадар тўлаб бериш шартлари оқлатилади.

Мазкур объектлар юқорида белгиланган савдо кунда сотилмаган тақдирда навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган савдоларга қўйилади.

Аукцион ўтказиладиган қуйидаги манзилдан қўшимча маълумотлар олиш мумкин: 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темуру шох кўчаси, 16-«А»-уй. Алоқа телефони 233-23-49, телефакс 233-23-40, электрон почта P-A DUK@mail.ru

Тадбир

Аънанавий мусобақа

Ҳар йили «Ўзбекэнерго» ДАК тасarrufидagi корхона ва ташкилотлар ишчи-ходимлари ўртасида аънанавий қўрик-танловлар ўтказилмоқда. 2 августдан 6 августга қадар Самарқанд электр тармоқлари ОАЖнинг ўқув-машгулотлари майдонида компания тасarrufидagi 10-0,4 кВ қучланиши электр тармоқларини оператив эксплуатация бригадалараро мусобақаси бўлиб ўтди.

Унда Самарқанд, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё, Андижон, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент шаҳар электр тармоқлари ОАЖлари иштирок этди.

Қатнашчилар касбий маҳорат бўйича тўрт босқичда куч синашди. Бундан кўзланган асосий мақсад эса замонавий механизм, асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда фавуқлодда вазиятларда электр тармоқларини хавфсиз, тезкор тиклаш, таъмирлаш ишларини сифатли ҳамда ишончли бажариш маҳоратини аниқлашдир. Мусобақа натижаларига кўра, 1-ўрин Тошкент шаҳар, 2-ўрин Самарқанд, 3-ўрин Андижон электр тармоқлари ОАЖларига насиб этди. Ғолиб ва совриндорлар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Р.ЗУЛПАНОВ, Самарқанд ЭТ ОАЖ касоба уюшма қўмита раиси

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Тошкент шаҳар касоба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ва тармоқ касоба уюшмалари шаҳар ташкилотлари жамоалари Тошкент шаҳар касоба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири Н.Ғиёсовга ўқаси

Нусрат ҒИЁСОВНИНГ вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.